



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI YOSHLAR SIYOSATI VA SPORT VAZIRLIGINING BUYRUG'I

9«oktabr»2023 yil.

03/1268-A/F-son

### **Спортнинг футбол тури бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар терма жамоалари (5 та ёш тоифалари) ўртасида Ўзбекистон чемпионатини ўtkазиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг 2023 йил учун республика календарь режасига мувофиқ

#### **БУЮРАМАН:**

**1. Ўзбекистон футбол ассоциациясининг 2023 йил 27 сентябрдаги 03/2809-сонли хати маълумот учун қабул қилинсин.**

**2. Спортнинг футбол тури бўйича 5 та ёш тоифалари ўртасида Ўзбекистон чемпионати (бундан буён матнда мусобақа деб юритилади) 2006 йиллар учун 2023 йил **18-23 октябрь** кунлари Наманган вилоятида, 2007 йиллар учун 2023 йил **18-23 октябрь** кунлари Фарғона вилоятида, 2008 йиллар учун 2023 йил **18-23 октябрь** кунлари Навоий вилоятида, 2009 йиллар учун 2023 йил **18-23 октябрь** кунлари Сурхондарё вилоятида, 2010 йиллар учун 2023 йил **18-23 октябрь** кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилсин.**

**3. Мусобақани ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар сметаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

**4. Молия-иқтисод бўлими** (Д.Убайдуллаев)га мусобақани ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатларни вазирликнинг спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг **2023 йил учун республика календарь режасидаги футбол спорти бўлимида** белгиланган маблағлар ҳисобидан қоплаш вазифаси юклатилсин.

**5. Бухгалтерия ҳисоби бўлими** (З.Гулямов)га мусобақада иштирок этиш учун **311 780 000** (уч юз ўн бир миллион етти юз саксон минг) **сўм** миқдоридаги маблағларни сарф-харажатлар сметасига мувофиқ Ўзбекистон футбол ассоциациясининг **банк ҳисоб рақамига ўтказиб берилишини таъминлаш** вазифаси юклатилсин.

**6. Мусобақа совриндорларини 285 дона** (15 дона жамоавий 1-ўрин 90 дона, 2-ўрин 90 дона, 3-ўрин 90 дона) **дипломлар** билан тақдирлаш

харжатлари Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳисобидан қопланиши инобатта олинсин.

**7. Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А.Максумов)га:**

**а)** мусобақа учун ажратилган маблағларни мақсадли сарфлаш;

**б)** мусобақа якунидан сўнг уч кун муддат ичида вазирликнинг Бухгалтерия ҳисоби бўлимига маблағларнинг сарфланиши бўйича молиявий ҳисобот ва Спорт тадбирлари мониторингини юритиш бўлимига техник ҳисобот топшириш;

**в)** мусобақа даврида вазирликнинг Ахборот хизматига мусобақага оид фотолавҳалар ва тўлиқ маълумотларни кунма-кун тақдим этиб бориш тавсия этилсин.

**8. Наманган, Навоий, Фарғона, Сурхондарё вилоятлари ва Тошкент шаҳар ёшлар сиёсати ва спорт бошқармаларига** мусобақани ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги 205-сонли қарори билан тасдиқланган “Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидалари”га асосан ваколатли органдан маҳсус электрон ахборот тизими орқали руҳсатнома олишда ва мусобақани ташкил этишда **Ўзбекистон футбол ассоциациясига амалий ёрдам кўрсатиши** вазифаси юклатилсин.

**9. Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар сиёсати ва спорт бошқармаларга ушбу мусобақада ўзларининг терма жамоаси иштирокини таъминлаш** вазифаси юклатилсин.

**10. Ахборот хизмати** (В.Содикова) мусобақанинг ўтказилиши билан боғлиқ жараёнларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритишига тавсия этиш ҳамда вазирликнинг расмий веб-сайтига жойлаштириш вазифалари юклатилсин.

**11. Девонхона (С.Расулова)га:**

**а)** мазкур буйруқ билан вазирликнинг тегишли бошқарма ва бўлимларини таништириш;

**б)** ушбу буйруқ нусхасини Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар сиёсати ва спорт бошқармалар ҳамда Ўзбекистон футбол ассоциациясига юбориш вазифалари юклатилсин.

**12. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.**

Вазир ўринбосари



Ш.Махмудов

Ўзбекистон Республикаси  
 Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг  
 2023 йил “\_\_\_” октябрдаги  
 А/Ф-сонли буйруғига  
 ИЛОВА

**Спортнинг футбол тури бўйича 5 та ёш тоифалари ўртасида  
 Ўзбекистон чемпионатини ўтказиш бўйича сарф-харажатлар сметаси**

Спорт тури	Футбол
Ўтиш жойи	Наманган, Фаргона, Навоий, Сурхондарё вилоятлари ва Тошкент шаҳар
Ўтказиш муддати	2023 йил 13-23 октябрь

Тақдирлаш харажатлари:		
Кубок	5 дона x 1 120 000 сўм	5 600 000 сўм
Медаллар (1-2-3-ўрин) (логотипли маҳсус ясатилган)	270 дона x 40 000 сўм	10 800 000 сўм
Телевизор	90 дона x 1 450 000 сўм	130 500 000 сўм
Микро тўлқинли печ	90 дона x 968 000 сўм	87 120 000 сўм
Чангютич	90 дона x 864 000 сўм	77 760 000 сўм
<b>Смета бўйича жами:</b>		<b>311 780 000 сўм</b>

***Изоҳ:** Сарф-харажатлар сметаси Ўзбекистон футбол ассоциацияси томонидан  
 тақдим этилган маълумотлар асосида кўриб чиқилди.*